



ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ КОМПОНЕНТЛАРИ

Каххарова Саодат Баходировна

Ўзбекистон-Финляндия педагогика
институтлари Амалия математика ва
физика факультетлари Математика ва
информатика кафедраси ассистенти

Аннотация: таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари, ўқув машғулотининг элементлари, ўқув машғулотининг тури, ўқув машғулотининг компонентлари, ўқув машғулотининг мезонлари ва машғулот турлари ҳақида айтиб ўтилган.

Калим сўзлар: таълим жараёни, дарс машғулотининг тури, ўқув машғулотининг тузилиши, машғулот элементлари, машғулот шакллари, ўқув машғулотининг компонентлари, машғулот мезонлари.

Кириш

Замонавий таълимга тайёргарлик ўқувчиларни ривожлантириш ва уларни замонавий жамиятга муваффақиятли мослаштиришнинг асосий жиҳатларидан биридир. Оптимал натижаларга эришиш ва ҳар бир талабанинг салоҳиятини ривожлантириш учун талабалар фаолиятини турли шаклларда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар фаолиятини ташкил этиш шаклларида бири академик клублар ва илмий жамиятлардир. Бу гуруҳлар умумий қизиқиш ва дунёқарашга эга талабаларни бирлаштириб, уларга турли билим соҳаларини биргаликда тадқиқ қилиш, илмий тадқиқот ва баҳс-мунозаралар олиб бориш, конференция ва симпозиумларда қатнашиш имконини беради. Талабалар фаолиятини ташкил этишнинг бундай шакллари жамоада ишлаш, танқидий фикрлаш ва ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмаларини ривожлантиради, шунингдек, касбий ўсиш ва дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам беради.

Академик клублардан ташқари, талабалар фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий шакллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабалар ижтимоий ташкилотлари ва талабалар кенгашлари талабаларнинг этакчилик қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради, тадбирларни ташкил қилади ва талабалар жамоасининг фаровонлиги ва манфаатларини ҳимоя қилади. Улар ижтимоий масъулият, ижтимоий фаоллик ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш қуйидагиларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади:

1. Фикрлаш ва ўйлашнинг самарали ишлари учун шароитларни таъминлашни аниқлаш: таълим олувчилар томонидан ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни идрок этиш йўли билан



режалаштириш, уларни англаш; ишонч ва ишонтириш шаклидан фойдаланишни йўлга қўйиш; таълим олувчиларнинг мустақкам диққатини ва диққат билан қарашига шароитларни режалаштириш; таълим олувчиларнинг янги билимларни қабул қилиш учун муҳим бўлган илгари ўзлаштирилган билимларни хотирада долзарблштириш учун турли иш шаклларида фойдаланиш (индивидуал сўраш, суҳбат, такрорлаш бўйича тестлар).

2. Янги билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида таълим олувчиларнинг фикрлаш ва англаш фаолиятини ташкил этиш: таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш (аниқ тасаввур этиш, тушуниш, умумлаштириш, формулаларни киритиш); таълим олувчиларнинг фикрлаш ва англаш фаолиятини ташкил этишда: янги намуналарни яратиш, тасаввур қилиш, тушуниш даражаларини шакллантиришнинг психологик қонуниятларига таяниш; таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ва фаоллигини таъминловчи ишларнинг шакл ва усулларини режалаштириш (саволлар тизими, муаммоли вазиятларни яратиш, турли масалаларни ечишнинг муаммоли-эвристик даражалари, машғулотда изланувчанлик ва тадқиқотчилик ишларини ташкил этиш); тушуниш даражаси ошиши (тавсифлаш, таққослаш ва тушунтиришдан-умумлаштиришга, баҳолаш ва муаммоликка) ва мулоҳаза қилиш, хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш устидан раҳбарлик қилиш; таълим олувчиларнинг турли ижодий ишларидан фойдаланиш (ишни мавзуси ва мақсадини тушунтириш, уни бажариш шароитлари, ўқитиш учун материални танлаш ва тизимлаштириш, натижаларни ишлаш, ишларни расмийлаштириш).

Методология

Иш натижаларини мустақкамлаш: масалаларни ечиш йўли билан кўникмаларни шакллантириш, янги иш шароитларига илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни кўчиришга ўқитиш.

Таълим олувчиларнинг уюшқоқлиги: уларнинг таълим олишга, уларни ташкил этишга, ақлий ривожланиш даражасига муносабати, ўқитилганлик даражасига кўра таълим олувчиларнинг мавжуд гуруҳлари, машғулотда уларнинг индивидуал, гуруҳли ва фронтал ишларини бирга аниқлашда уларни ҳисобга олиш ҳолати.

Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш: уларнинг индивидуал хусусиятларига мос машғулотни режалаштириш, кучли ва кучсиз таълим олувчиларни ҳисобга олган ҳолда машғулотни ўтказиш, уларга табақалашган ёндашув.

Машғулотни ўтказиш техникасига талаблар: машғулот эмоционал ҳолда бўлиши лозим, таълим олишга қизиқиш уйғотиши ҳамда билимларга бўлган эҳтиёжни тарбиялаш керак; машғулотнинг темпи ва ритми оптимал бўлиши лозим, педагог ва таълим олувчининг ҳаракати охирига етказилган бўлиши керак; машғулотда педагог ва таълим олувчилар такт ва оптимизмга амал қилиши керак; хайрихоҳлик ва фаол ижодий меҳнат муҳити бўлиши керак; имкони борича таълим олувчилар фаолияти турларини алмаштириб туриш лозим, турли ўқитиш шакл ва усулларини ҳисобга олиб; ўқув муассасаси режимига риоя қилишни таъминлаш керак; педагог ҳар бир таълим олувчини фаол таълим олишини таъминлаши лозим. Таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари қўйида келтирилган.



Натижа ва муҳокамалар

Таълим оловчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари

<i>Ўзига хос хусусият белгилари</i>	<i>Қандай ҳолда шаклни танлаймиз</i>	<i>Афзалликлари</i>	<i>Камчиликлари</i>
Фронтал (гуруҳли)			
Педагог бараварига бутун гуруҳ билан ишлайди. Барча учун ўқув мақсади ва вазифалари умумий бўлади. Ҳар бири ўзи учун прин-ципи асосида ишлашади. Айрим-лари диққат билан эшитади, бош-қалари чалғийди. Айримлари саволларга жавоб беради, бошқалари саволларни эшитмайди. Айримлари машқларни тез ва сифатли бажаради, бошқалари улгурмайди, учинчилари тез ва сифатсиз бажаради.	<ul style="list-style-type: none"> - янги материални тушунтириш пайтида; - кўпчилик бирдай хатоликларга йўл қўйиш билан боғлиқ таълим оловчи-ларнинг мустақил ишлари пайтида, педагог барчага қайта такрорлаш учун ишларни тўхтатади; - машғулот охирида якуний натижа-ларни чиқариш вақтида. 	<ul style="list-style-type: none"> - педагог ва таълим оловчи ўртасида ишончли муносабат ва мулоқатни ўрнатишга имкон беради; - жамоатчилик ҳиссини тарбия-лайди; - таълим оловчиларни фикр юритишга ўргатишга имкон беради; - барқарор билишга қизиқишни шакллантиради; - педагог бутун гуруҳга мате-риални баён қилиш имкониятини олади ҳамда бутун жамоага эркин таъсир ўтказида. 	Бу шакл ўртача таълим оловчига мўлжалланган (паст ўқув имкони-ятларига эга таълим оловчилар улгуришмайди, кучлилар эса мураккаброк вази-фаларга эҳтиёж сезади.).
Индивидуал			
Барча учун ўқув мақсади умумий, лекин ҳамма индивидуал темпда мустақил, ҳар бири ўз ўрнида.	<ul style="list-style-type: none"> - карточкали-топшириқлар бўйича ёзма сўраш ўтказиш, индивидуал топшириқлар, ҳисоб-график, назорат ишларни бажариш бўйича таълим оловчиларнинг мустақил ишлари пайтида; - ҳамма бир хил ёки турли бошқа топшириқлар бўйича амалий ишлар-ни бажариш пайтида, лекин ҳар бирининг иши бошқасига боғлиқ эмас. 	<ul style="list-style-type: none"> - мақсадга эришишда таълим оловчиларнинг мустақиллиги, ташкилотчилигини, тиришқоқ-лигини тарбиялашга имкон бера-ди; - муҳим кўникма ва малакаларни, билиш фаолияти тажрибасини ишлаб чиқишга имкон беради; - таълим оловчиларда мустақил таълимга эҳтиёжни шакллантиришга имкон беради. 	Бу шакл таълим оловчилар ўрта-сидаги мулоқатни, уларнинг ўз билимларини бошқаларга беришга интили-шини, жамоавий ютуқларда ишти-рокини биров чеклайди.
Жуфтлик			
Педагог ишни бажаришни жуфт-ликда	- олдинда турган амалий ишлар жиддий дастлабки	- умумий ишларни бажаришда ҳамкорлик	- таълим оловчи-лар



<p>ташкил этади: кучли-кучсиз таълим олувчилар, ёки ўзлаштириши бўйича иккита бир хил таълим олувчилар.</p>	<p>англашни талаб қилиш бўйича таянч билимларни долзарблаштириш пайтида, жуфтлик олдинда турган вазифаларни муҳо-кама қилишади; - лаборатори-амалий ишлар пайтида, ўзаро назорат ва ўзаро ёрдамни ташкил этиш мумкин; - якуний натажаларни чиқариш пайтида, ўзаро баҳолаш ишларини ташкил этиш мумкин.</p>	<p>кўникмаларини шакллантириш ҳамда ишончли муносабатларни ўрнатишга имкон беради; - ўзаро назорат ва ўзаро ёрдамни тарбиялашга имкон беради.</p>	<p>мураккаб ўқув материални ҳар доим ҳам мустақил кўриб чиқиш ҳола-тида эмас.</p>
Жамоавий			
<p>Фақат команда аъзолари учун мақ-сад умумий. Бироқ бу бригадада барчаларида вазифалар турли бўлиши мумкин. Бундай жамоа-ларда ўзаро жавобгарлик ва боғ-лиқлик муносабати пайдо бўлади. Назорат жамоа аъзолари томонидан қисман амалга оширилади, лекин асосий рол педагогнинг ўзида қолади.</p>	<p>- муаммоларни муҳокама қилиш, ечимларини излаш учун ўйин командаларини ташкил этиш бўйича янги вазифаларни шакллантириш вақтида; - меҳнатни тақсимлаш ва коопера-цияни талаб этувчи ишларни бажариш бўйича доимий ва вақтинчалик бригадаларни ташкил этиш бўйича мустақил ишлар вақтида; - иш куни якунлари бўйича рақиб-ларнинг билим ва кўникма даражасини команданинг баҳолаши бўйича ишбоп ўйинларни ташкил этишда якуний натижани чиқариш вақтида.</p>	<p>- таълим олувчиларда муста-қиллик ва фаолликни тарбиялашга имкон беради; - умумий ишларни бажаришда бошқалар билан ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш-га имкон беради; - шахсинг ижтимоий сифатла-рини шакллантиришга имкон беради.</p>	<p>- гуруҳларни тўл-дириш ва уларда ишларни ташкил этишдаги қийин-чиликлар; - гуруҳларда ўқув-чилар ҳар доим ҳам мураккаб ўқув материални мус-тақил кўриб чиқиш ҳолатида бўлмай-ди, уни ўрганиш-нинг энг иқтисо-дий йўлини танлашни билмайди.</p>

Нативавийлик. Ҳаттоки, битта ўқув машғулоти сифатини ва нативавийлигини баҳолаш жуда мураккаб вазифа, чунки у таълим олувчи шахсининг индивидуаллаштирилган янги таълими ҳамда ташқаридан яширин кузатув билан ифодаланади. Педагогнинг продуктив таълим бериш тажрибасида ўқув машғулотининг нативавийлиги ва юқори унумдорлиги баъзи асосий белгилари кузатилади.

Таълим олувчиларнинг мустақил ақлий фаоллиги ва билишга қизиқишнинг юқори даражасини яратиш ва қўллаб-қувватлаш; таълим олувчилар томонидан олинган билиш ахборотларининг ҳажми ва мустаҳкамлиги; таълим олувчилар ақлий ҳаракатининг тренинг усуллари ва уларни шакллантириш; ўқитишга имкон берувчи таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини биринчи



навбатда шахсни ўз-ўзини бошқариш механизмларини шакллантиришга ҳисса қўшиш; таълим олувчиларнинг имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирининг ютуқларга эришиш мотивациясини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш; педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро шахсий муносабатларининг юқори ижобий даражаси.

Ўқув машғулотининг натижавийлигига вақтни мақсадли сарфлаш ва иқтисод қилган ҳолда, турли таълим бериш инструментарияларни (методик, технологиялар, методлар, воситалар, усуллар ва бошқалар) қўллаш билан эришилади. Бунда асосий ролни педагогнинг шахсий сифатлари, унинг нуфузи ва ишга содиқлиги ўйнайди.

Ўқув машғулотининг тизимлилиги. Илмий ахборот ҳажми катта бўлган, ўқитиш вақти чегараланган бугунги замонавий шароитларда ўқув машғулоти тизимлилигини аниқлашга қўйиладиган энг долзарб талаблардан бири, бу ўқув материали билан ишлашнинг оптимал вариантларини топиш, ўқитиш методларини танлаш, унинг ҳар бир босқичида улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир.

Ўқув машғулотининг самарали тизимини қуйидагилар таъминлайди: ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини комплекс режалаштириш; ўқув машғулоти, аниқ асосий мавзулар мазмунини ажратиб кўрсатиш; материалнинг мақсадга мувофиқ кетма-кетлигини, такрорлаш вақтини, янгисини ўрганишни, мустаҳкамлашни, уй вазифасини аниқлаш; ўқитишнинг энг самарали метод, усул ва воситаларини танлаш; табақалаштириш ва индивидуаллаштириш принципларини таълим жараёнида амалга ошириш; ўқитишнинг зарурий ўқув-методик шароитларини яратиш.

Вақтнинг катта қисми (20-30 дақиқа) янги материални ўрганишга сарфланиши лозим. Бу мазкур материал таълим олувчилар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилсин, унинг бўлажак ривожланиши таъминлансин. Бундан биринчи қисмнинг номланиши: қисқа сўраш эмас, таянч билим, кўникма ва малакаларни долзарблаштиришдан келиб чиқади.

Ўқув машғулотида назорат функцияси эса, бирдан-бир мақсад эмас, фан мазмунини таҳрир қилиш воситаси эмас, балки педагог ва таълим олувчи тизимидага мунтазам тескари алоқадир. Сўнгра амалий фаолиятда билимларни такрорлаш ва қўллаш шаклларида мустаҳкамлаш ўтказилади: масалаларни ечиш, машқларни бажариш, тажрибаларни ўтказиш. Буларнинг барчаси биргаликда олганда педагог томонидан кенг фойдаланиладиган комбинациялашган ўқув машғулоти мақсадига эришишнинг оптимал тизимини ташкил этади.

Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш. Билимларни самарали ўзлаштириш шундай билиш фаолиятини ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўқув материали ҳар бир таълим олувчининг амалий ҳаракатлари ва фаол фикрлари предмети бўлиб қолади. Муҳим ролни бунда қизиқиш ўйнайди. Педагог мақсади, ҳар бир таълим олувчи истак билдирган ҳолда гуруҳда ишлаш учун яхши муҳитни яратишдан иборат. Бунда катта ёрдам, ёш мутахассисга ўзаро таъсирнинг интерфаол шакл ва методларидан фойдаланиш бўйича ёрдам кўрсатиш. “Педагог-синф-таълим олувчилар” тизимида фикрларни алмашиш, саволларни ўзаро муҳокама қилиш бўлади, индивидуал ақлий фаолиятнинг фаол жараёни кечади. Ҳар бир таълим олувчи гапиради, эшитади ва тинглайди, ўқийди, бўйсинади ва бошқаради.

Ўқув материалининг дидактик тизимланганлиги. Таълим олувчиларнинг фикрлашини фаоллаштиришнинг энг яхши усули асосида муаммоли вазиятлар, уларни ҳал қилиш йўллари ётувчи ўқув машғулотини ташкил этишдир. Муаммоли вазиятлар ёрдамида ўқитишни қуйидаги жадвалда кўрсатилган босқичларда тасаввур қилиш мумкин.



Муаммоли вазият босқичлари

Босқич номи	Босқич моҳияти	Ўқув ишларини қабул Қилиш
Қарама-қаршиликларни очиш муаммоларини англаш	Муаммоли саволда қарама-қаршиликларни очишни аниқлаш.	Алоқадаги узилишларни ўрнатиш.
Ғояларни шакллантириш	Ғоялар ёрдамида асосий жавобларни излаш йўналишини белгилаш.	Ғояларни қўйиш.
Ғояларни исботлаш	Ғояда билдирилган тахминларни исботлаш ёки бекор қилиш.	Сабабли алоқаларни ўрнатиш.
Умумий хулоса	Эски мазмунни янгиси билан тўлдириш.	

Муаммоли вазиятларни яратишда асосий ролни педагог ўйнайди. Табиийки унинг ёрдамчилари: қўлланма, машқлар тўплами, муаммоли топшириқлардан ташкил топган дидактик материаллар. Лекин муаммоли вазият: индивидуал-шахсий хусусиятларни ҳисобга олишни яратувчи таълим олувчининг алоҳида психологик ҳолати. Бу факторларни инобатга олувчи, таълим олувчиларнинг англашида муаммоли вазиятларни яратувчи педагог, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини муваффақиятли ривожлантиради.

Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ижодкорлиги ва мустақиллиги. Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг мустақил ишлари ролини ошириш учта ўзаро боғланган вазифаларни ечишни назарда тутати: мустақил ишлар билан онгли равишда қизиқиш билан шуғулланиш учун зарурий таълим бериш шароитларини яратиш, уларни бу ишларнинг самарали усулларига ҳамда ўқув ва амалий фаолиятда олинган билимларни мустақил қўллашга ўргатиш.

Бу вазифаларни муваффақиятли ечиш учун: аниқ ўйланган тизим лозим, бунда таълим жараёнида ҳар бир мустақил иш турининг вазифаси ва ўрни, унинг ўхшаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш, ўқув ва луғавий адабиётлар билан ишлаш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, презентация қилиш, портфолио учун материаллар тайёрлаш, гуруҳли ишлар учун топшириқларни ўйлаш, лаборатория ишларини бажариш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ўқув вазиятларини моделлаштириш аниқ белгиланиши лозим.

Амалий йўналтирилганлик. Ҳар қандай ўқув машғулоти таълим олувчиларнинг қатор саволларга жавоб бериши лозим: Нимага? Нима учун? Мазкур саволлар бир томондан педагогга ўқув материалнинг амалий йўналтирилганлигига қаратилганлигига ёрдам берса, бошқа томондан таълим олувчиларга унинг муҳимлигини аниқлашга, аҳамиятини тушунишга, концепция, модел, тартиб, қонуният, қарашларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таълим муассасасида мавжуд ўқув-методик комплекслардан самарали фойдаланиш. Замонавий ўқув машғулоти, бу таълим олувчи ва педагог ўртасидаги яхлит дидактик тизимни ташкил этувчи методик материаллар, ўқитишнинг техник воситалари, кўргазмалар, қўғазмалар, қўғазмалар, ўқув жиҳозлари комплекси ўзаро ҳаракатидир. Бунинг учун энг яхши шароит қоидада кўра учта асосий компонент: ўқув жиҳозлари, методик таъминланганлик, бошқарув воситаларини ўз ичига олувчи предметли ўқув кабинети ҳисобланади.


Ўқув кабинетиде унинг ички мазмунини ташкил этувчи: ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар, қўлланмалар, луғавий материаллар бўлиши лозим. Улар ҳаракатга келиши ва ўтказиладиган ўқув машғулоти сифатига таъсир кўрсатиши учун, жиҳозланган педагог жойидан тартиб,



таълим олувчиларни ўқитишнинг электрон воситаларигача комплекс мослама ва механизмлар зарур. Буларнинг барчаси замонавий педагог эгаллаши шарт бўлган таълим жараёнини бошқаришнинг воситалари ҳисобланади.

Замонавий ўқув машғулоти компонентлари, мезонлари ва белгилари қўйидаги иловада келтирилган.

Замонавий ўқув машғулоти компонентлари, мезонлари



Таълим жараёнини ташкил этишнинг қўйидаги асосий шакллари мавжуд: фронтал, индивидуал, гуруҳли ва жуфтлик. Фронтал шакли, педагог билан барча гуруҳнинг ўзаро фаолиятини назарда



тутади: барча гуруҳ учун педагог ўқув материални баён этади, бир хил топшириқларни қўяди, таълим олувчилар эса ўқув материални эгаллаш билан битта муаммони ечишади.

Гуруҳли ишлашда бир нечта гуруҳлар ташкил этилади, улар бир ёки турлича топшириқларни бажаришади. Гуруҳда таълим олувчилар сони фан ва қўйилган вазифаларга боғлиқ ҳолда 2-10 кишидан иборат бўлиши мумкин. Таълим олувчиларнинг гуруҳли ишлари турли мақсадларда қўлланилади: масала ва машқларни ечиш, лаборатория ва амалий ишларни бажариш, янги материални ўрганиш.

Ишларнинг жуфтлик шакли, “ўқув-таълим олувчи” тизимида ўзаро таъсирни назарда тутаяди. У мақсадга мувофиқ бўлади, қачонки агар бир таълим олувчи (кучли) педагог функциясини бажарса ҳамда бошқаларини ўргатса (паст ўзлаштирувчилар), ўз билимларини мустаҳкамлайди.

Индивидуал ишларда ҳар бир таълим олувчи ўзи алоҳида бажариши учун топшириқларни олади. Қоидага кўра, педагог ҳар бир топшириқни аниқлашда уларнинг имкониятлари ва тайёргарлик даражасини инобатга олади. Билиш фаолиятини ташкил этишнинг бу шакли, таълим олувчиларнинг юқори фаоллигини ва мустақиллигини, топшириқларни табақалаштиришни назарда тутаяди.

Хулоса

Шуни таъкидлаш керакки, таълим жараёнида ҳар бир шаклдан алоҳида фойдаланишнинг кераги йўқ. Фақат улар биргаликда қўллаш кутилаётган натижаларни беради. Биргалик педагог томонидан таълим вазифалари, мавзу хусусиятлари материал ҳажми билан ечиш асосида аниқланади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг характерли шакллари ўзининг турли-туманлигига эга: машғулот, экскурсия, практикум, уй вазифаси, факультатив машғулот, семинар машғулоти, консультация, конференция, қўшимча машғулот ва бошқалар.

Замонавий таълимнинг ажралмас қисми ҳам ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган компонентлардир. Мулоқот кўникмаларини, шахсий ўсишни ва шахслараро муносабатларни ривожлантириш курслари талабаларга бошқалар билан самарали мулоқот қила оладиган муваффақиятли коммуникатор бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, муҳим таркибий қисмларга ахборот кўникмаларини ўргатиш, танқидий фикрлаш ва қарор қабул қилиш киради. Таълимнинг ушбу таркибий қисмларининг барчаси талабаларда замонавий ахборот жамиятига муваффақиятли мослашиш ва касбий ўсишга эришиш учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантиради.

Шундай қилиб, талабалар фаолиятини ташкил этиш шакллари ва замонавий таълим-тарбия таркибий қисмлари ўқувчиларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди, уларнинг салоҳиятини очиш, асосий кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш, замонавий жамиятга муваффақиятли мослашиш имконини беради. Ушбу шакл ва компонентлар ўқувчиларнинг фуқаролик шаклланишига, ижтимоий фаолиятни фаоллаштиришга ва касбий муваффақиятларга эришишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кузьмина, Н.В. Структура педагогических способностей / Н.В. Кузьмина // Педагогическая психология : хрестоматия : учебное пособие / Сост. Б.Б. Айсмонтас. – Москва : Московский городской психолого-педагогический университет, 2004. – с. 365-369.
2. Гладких В. Г. Теория и методика профессионального образования. Оренбургский государственный университет. ISBN 978-5-7410-2329-7. 2019.



3. Н.Л.Гумерова. ФОРМАТИРОВАНИЕ ГОТОВНОСТИ К ЦЕЛЕПОЛАГАЮЩЕЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В ВУЗЕ
4. ¹Педагогика в 2 т. Том 1. Общие основы педагогики. Теория обучения: учебник и практикум для вузов / М. И. Рожков, Л. В. Байбородова, О. С. Гребенюк, Т. Б. Гребенюк ; под редакцией М. И. Рожкова. — Москва : Издательство Юрайт, 2023. — 402 с. — (Высшее образование). — ISBN 978-5-534-06487-2.
5. Бобылева О.А. Развитие идеи целеполагания в построении обучения в отечественной дидактике: середина 50-х – 80-е гг. XX века: дис. ... канд. пед. наук. Хабаровск, 2008.
6. ¹ Ильевич Т.П. Технология проектирования учебных задач в контексте личностно-ориентированного целеполагания: дис. ... канд. пед. наук. Ростов н/Д, 2001.
7. ¹ Лебедев О.Е. Теоретические основы педагогического целеполагания в системе образования: дис. ... д-ра пед. наук. СПб., 1992.
8. ¹ Коростылева Н.Я. Педагогическое целеполагание в современной школе как объект управления: дис. ... канд. пед. наук. СПб., 2002.
9. Мезенцева Н.В. Особенности педагогического целеполагания у учителей в зависимости от уровня их личностной зрелости // Теория и практика общественного развития. 2011. № 6. С. 95–101.
10. Эрناзаров, А. (2020). METHODOLOGY FOR MODERN ORGANIZATION OF TRAINING EDUCATION AND ITS IMPLEMENTATION. Scienceweb academic papers collection.
11. Ernazarov, A. E. (2016). Improving the effectiveness of educational activities based on problem-based learning technologies. Education, science and innovation.-Tashkent, 1, 86-89.
12. Ernazarov, A. E. (2021). Modern technologies of organizing educational activities. Innovations in pedagogy and psychology.-Tashkent, 5, 204-206.
13. Ernazarov, A. E. (2021). Innovative technologies and their practical application in the continuous education system. Urganch State University. Journal of scientific research.–Urganch, 8, 89-91.
14. Эрназаров, А. (2020). METHODS OF MODERN ORGANIZATION AND IMPLEMENTATION OF TRAINING. Scienceweb academic papers collection.
15. Эрназаров, А. (2020). Specific features of training. Scienceweb academic papers collection.
16. Ergashevich, E. A. (2023). Some Pedagogical Technologies Used in the Process of Organizing Training Sessions in Higher Education Institutions. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777), 1(9), 14-19.
17. Ergashevich, E. A. (2023). Analysis of the State of Use of Modern Teaching Methods and Technologies in Educational Institutions. Journal of marketing, business and management, 2(6), 7-12.